

2009 йил - Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтириш бугунги куннинг энг устувор вазифасидир. Бугун шу мақсад, шу истак сари астойдил интилаётимиз. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида жойлардаги инфратузилма тармоқларини ривожлантириш, аҳоли турмуш маданиятини замонавий талаб даражасига кўтариш олдимизда турган долзарб масалалардан биридир.

Шу мақсадда туманимизда саноат корхоналарини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Қибрай шаҳарчасида "Чирчиқхитингсистем" масъулияти чекланган жамият фаолият бошлади. Натижада 60 киши иш билан таъминланди. Кунни кеча корхона ўзининг дастлабки маҳсулотини – 6 донга иситиш қозонини Термиз шаҳридаги буюртмачиларга жўнатди. Ҳозирча корхона ойига 200 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Бундан ташқари, жамият бутловчи қисмлар етказиб бериш бўйича қўллаб-қувватлаш билан ҳамкорлик қилаётир. Жумладан, Хитойнинг "Мин-чунь" компанияси қибрайлик тадбиркорларга насослар ва қоплама материаллар етказиб бераётган бўлса, Эроннинг "Азарбон" фирмаси горелкалар билан таъминламоқда. Италиянинг "Сит" компаниясидан эса автомат қурилмалар олинмоқда. Юртбошимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чоратadbirlari дастури тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуриямал бўлаётир. Юқорида тилга олинган салоҳиятлик корхоналар кўпайиб бормоқда. Шулардан бири "Осиё электр энергия" илмий-иш-

СИНОВ ВА ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИ

лаб чиқариш корхонасидир. Бугун корхона жаҳон андозларига мос, паст ва юқори кўчанишли трансформатор ҳамда электр жиҳозлари ишлаб чиқармоқда. Бу жиҳозлар нефть, газ, кўмир, тоғ-кон, энергетика ва саноатнинг бошқа соҳалари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ҳамда темир йўл транспортда кенг қўлланилади. Корхонада ишлаб чиқариш илмий йўналишида ташкил этилган бўлиб, ани пайтда Россия, Жанубий Корея, Эрон ва Хитой ишбилармонлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Туманимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари еттиштириш ва уларни қайта ишлашга ихтисослаштирилган қўшимча цехларни ишга тушириш бўйича 4 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишга киришилди. 2009 йилда 120 миллиард 660 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган. Шу йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 23 миллиард 790 миллион сўмга етди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида туманда 447 та савдо дукони фаолият кўрсат-

Туманимизда мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи ихчам корхоналар барпо этишга ҳам катта эътибор қаратилаётир. Чунончи, "Асвен дистелерис" масъулияти чекланган жамиятига мева ва полиз маҳсулотларидан сифатли шарбат

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, иш билан таъминлаш тизими самарадорлигини ошириш, янги иш ўринларини барпо этиш, уй-жойлар қуриш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор қаратилаётир. Бу йил 4560 та янги иш ўрни яратишни режалаштирганмиз. Биринчи чорада 1048 та янги иш ўрни яратилди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳаётимиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўқинлиги қишлоқлардаги захматкаш деҳқон-фермерлар меҳнати самарасига боғлиқ. Шунинг назарда тутиб, ҳосилдор ерлар ўзининг ҳақиқий эгаларига берилди. Фермер хўжаликлари ерини оптималлаштиришда ер эгасининг салоҳияти, тажрибаси, билими алоҳида ҳисобга олинди. Бугунги кунда туманимизда 500 дан ортиқ фермер меҳнат қилмоқда.

Шу билан бирга бошқа соҳаларда бошланган ишларни изчил давом эттириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш, ёрдамга муҳтож оилалар, кексалар ва ногиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бир сўз билан айтганда, инсон манфаатларини рўйбга чиқариш олдимизда турган асосий вазифалардан биридир.

Адҳам УСМОНОВ,
туман ҳокими
вазифасини бажарувчи.



ҚИБРАЙ ТУМАНИ:

САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАЙДИ



4-умумтаълим мактаби қошида болалар учун спорт макмуаси барпо этилаётир. Бу ерда ёпиқ бассейн, стол тенниси, шахмат-шашка ҳамда тренажер хонаси фаолият кўрсатади.

СУРАТААРА: қурилиш жараёни; ишчи Дилшод Бойзоқов.

■ Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида туманининг чекка қишлоқларига 2 миллион 400 миң АҚШ долларига миқдорда 6 та минитехнология олиб келиш мўлжалланган.

■ Туманда 2009 йилнинг биринчи чораги давомида ташқи савдо айланмаси 9 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

■ 2009 йилда 120 миллиард 660 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бу ўтган йилга қараганда 109 фоиз ўсиш демакдир.

■ Бу йил туманда 4660 та янги иш ўрни яратилди. Биринчи чорада 1048 та янги иш ўрни очилди.

■ Йил бошидан бери тумандаги тижорат банклари томонидан 1 миллиард 590 миң сўмлик кредитлар ажратилди. Жумладан, 187 миллион сўми сервис хизмати, 94 миллион 900 миң сўми савдо хизматини ривожлантиришга, 310 миллион сўми ёш оилаларга, 315,6 миллион сўми эса қишлоқ хўжалиги, ҳусусан, чорва моллари сотиб олишга, 528 миллион сўми транспорт хизматини яхшилашга йўналтирилди.

МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ўзини ўзи бошқариш органилари – маҳаллаларнинг фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки, маҳаллалар қанчалик тараққий этса, юртимиз янада раванқ топади, аҳоли турмуш фаровонлиги ошади. Шу боис, қишлоқларни меъморий жиҳатдан пухта режа-

лаштириш – тураржой ва ижтимоий соҳа иншоотларини лойиҳалаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш асосида турмуш сифатини ошириш, аҳоли вазифаларини таъминлаш каби устувор вазифалар амалга ошириляпти.

ЁШЛАРДАН УМИДИМИЗ КАТТА

Байтқўрғон қишлоғи ўзининг иқтидорли ва салоҳиятли ёшлари билан фохрланади. Қишлоғимиз аҳолисининг асосий қисминини ёшлар ташкил этади. Очиги, бундан 4-5 йил аввал бу атрофдаги мактабларни тугатган ёшларимиз бирор касбни эгаллаш учун Чирчиқ ёки Тошкент шаҳридаги касб-хўнар коллежларига ўқишга қатнашарди.

Бугун бунга ҳолат қолмади. Чунки, ани пайтда қишлоғимизда ҳам хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-хўнар коллежи фаолият кўрсатаётир. 2004 йилда очилган билим даргоҳида ҳозир 758 йигит-қиз ахборот технологиялари, солиқ ва солиққа тортиш, туризм, ҳуқуқшунослик, бошланғич таълим ўқитувчиси ва мактабча таълим муассасаларида тарбиячи каби йўналишлар бўйича мутахассислик сирларини ўрганмоқда.

Бугун коллежларда яратилган шарт-шароитлардан ўқувчилар жуда мамнун. Амалий машғулотлар туманимиз корхоналарида ўтилади. Ўқув даргоҳида замонавий компьютер тизими яратилган. Дарсларни малакали ўқитувчилар олиб борилади. Арофат Тоғаева, Муниса Фуломова, Абдушариф Собиров ўз мутахассислиги бўйича чуқур билим ва тажрибага эга.

Коллежимиз битирувчиларини мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлашга жиддий эътибор қаратганмиз. Бу йил 173 нафар талаба ўқишни та-

момлайди. Ани кунларда битирувчиларнинг 85 фоизини иш билан таъминлаш учун жойлардаги корхоналар билан шартнома имзоладик.

Бундан ташқари, туманимиздаги мавжуд корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари ярмаркалари, очик эшиклар кунни тадбирларини ҳам ўтказдик. 2009-2010 ўқув йилида коллежимиз 9-синфни битирган 390 нафар ўқувчиларни қабул қилишга тайёр. Бу борада ҳам туманимиздаги мактаблар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бордик.

Бугун Байтқўрғон хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-хўнар коллежида 14 тўғарак фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, ёшлар ўртасида ўзлари танлаган ихтисосликлар бўйича малака кўникмаларини шакллантириш мақсадида турли танловлар ўтказилмоқда.

Муҳаббат АБДУЛЛАЕВА,
коллеж директорининг маънавий-матрифий ишлар бўйича ўринбосари.

СУРАТАА: Қибрай агротижорат касб-хўнар коллежи ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси Аҳмадjon Адиев машғулот пайтида.



ҲАМИША КЎМАККА ШАЙМИЗ

Аҳолини муқим иш жойлари билан таъминлаш, турмуш фаровонлигини оширишда бандликка кўмаклашувчи марказ фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Бу йил дастурга мувофиқ, туманда 4560 нафар фуқарони муқим иш ўринлари билан банд этиш вазифаси белгиланган. Шундан ҳудудий дастурга кўра, 2700 та, иқтирозга қарши дастур ва бошқа чора-тадбирлар ҳисобига 1860 та иш ўринлари яратилди.

Дастурий вазифаларни изчил амалга ошириб бориш мақсадида, марказ қошида ташкил этилган 13 та турғун пункт назоратчилари 89 та маҳаллада иш юрймоқда.

Марказ ходимлари бандлик даражасини аниқлаш, жойларда янги иш ўринларини яратиш имкониятларини аниқлаш, уларнинг таъминотини таъминлаш, шунингдек, касбга қайта ўқитиш масалаларига алоҳида эътибор қаратишяпти. Ўтган давр мобайнида

курсларида қайта тайёрланди. 39 нафари жамоат ишларига жалб этилиб, уларга тайинли маош белгиланди.

Вақтинча ишсиз аҳолини, айниса, ёшларни, касб-хўнар коллежлари битирувчиларини, ҳарбий хизматдан қайтган фуқароларни иш билан таъминлаш мақсадида меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Бу тадбирларда қатнашган 349 фуқаронинг 193 нафарига янги иш жойларига йўланма берилди.

Хуррият ХУДОЙҚУЛОВА,
бандликка кўмаклашувчи марказ директори вазифасини бажарувчи.

Шунга асосан, бешта рағбатлантирувчи мукофот таъсис этган ҳолда, "Энг яхши қишлоқ", "Энг яхши маҳалла" танловлари ўтказилди. Шунингдек, қишлоқ аҳолисини учун сифатли ва шинам яшаш шарт-шароитларини яратиш борасида туман марказий йўл трассасидаги аҳоли хонадонлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари таъмирланди. Ҳомиёлари-миз бу ишларга 20 миллион сўм маблағ сарфлашди.

Аҳолининг доимий қатлами кўлайи иш билан таъминлаш масалаларига ҳам эътибор қара-

тилмоқда. Бунда асосан ёшларни, яъни касб-хўнар коллежлари битирувчиларини мутахассисликлари бўйича ишга тақсимлаш, вақтинчалик ишламаётган йигит-қизларни ҳам фойдали юмшга жалб этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу саъй-ҳаракатларимиз "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бандликка кўмаклашувчи марказ билан ишлаб чиқилган қўшма режа асосида амалга оширилмоқда. Қасаначиликни йўлга қўйиш орқали 35 нафар ногирон ишли бўлди.

Раҳматилла ТОЛИПОВ,
"Маҳалла" жамғармаси туман кенгаши раиси.

Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» муҳбирлари Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ, Ҳасанбой САБДУЛЛАЕВ ва Даврон АҲМАД (суратлар) тайёрлади.

школой № 58 Уртакир-
чикского района Ташкент-
ской области на имя
Ли Елены Романовны,
**СЧИТАТЬ
НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ**

Утерняный аттестат
среднем образовании
О'Р-ШН 017959, выдан-
ный 28 июня 2005 год
школой № 13 Кумур-
ганского района Сурхан-
дарынской области на
имя Жуммаева Кувон-
бека Шайдуллаевича,
**СЧИТАТЬ
НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ**

